



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

# Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal  
Spiritual and educational, scientific-literary journal

Nº 4 / 2021

IMOM BUXORIY  
XALQARO ILMIY-  
TADQIQOT MARKAZI –  
YANGI  
O'ZBEKISTONNING  
YANGI TIMSOLI

## Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ.	Китоб савдоси борасида қўлёзмалардаги айрим қайдлар.....	4
Отабек МУҲАММАДИЕВ.	Аҳли сунна вал жамоа ақидасини тарғиб этишда “Лубобул қалом” асарининг аҳамияти.....	6

## АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Феруза НИЗАМОВА.	Хусрав Деҳлавий ижодининг тарихига чизгилар.....	9
Илҳом БЕРДИЯРОВ.	Мовароуннаҳрик фақиҳларнинг асарларида келтирилган молиявий масалалар.....	10
Зебинисо ХУРРАМОВА.	Абдушукур Қори Яхшибоевнинг лирик мероси: матний тадқиқ ва таҳлил.....	12
Хуршида НАЗИРОВА.	«Хусайн Хоразмий» ҳақида янги мулоҳазалар.....	14
Каромиддин ЖАМАҲМАТОВ.	Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий ижодининг жанрий таркиби ва унинг ирфоний талқини.....	16
Мавзуна ШЕРОВА.	XI-XII асрларда Мовароуннаҳр арабийзабон адабиётидаги дидактика жанри хусусида айрим мулоҳазалар.....	17
Behzod RUSTAMOV.	Navoiy tasavvuf va falsafa.....	19
Азиза ҚАЮМОВА.	Абу Зайд Муҳаммад ибн Халдуннинг илмий мероси.....	21

## НОДИР МАНБАЛАР

Нигора ЮСУПОВА.	Бурҳониддин Марғинонийнинг ал-Ҳидоя асари муҳим фикҳий манба сифатида.....	23
Муслим АТАЕВ.	“Ал-асъила ва-л-ажвиба”нинг илмий танқидий матнини тузиш тамойиллари.....	25
Акмалхон АКМАЛХОНОВ.	Абу Яъкуб Саккокий “Мифтаҳу-л-улум” асарининг қўлёзма нусхалари ҳақида....	27
Баходиржон АЗАМОВ.	Ҳаким Термизийнинг “Ал-Амсол минал-китоб вас-сунна” асарининг қўлёзма ва замонавий нашрлари тавсифи.....	28
Йўлдошхон ИСАЕВ.	Замахшарийнинг “Атвоку-з-заҳаб” асарининг икки нодир қўлёзма нусхаси.....	30
Нодир ҚОБИЛОВ, Ирода Даурбекова.	“Саҳиҳул Бухорий”нинг Мақдисий қўлёзма нусхаси”нинг тавсифи..	31
Нигора ХАКИМОВА.	Қафғол Шошийнинг “Маҳосин” асарида ҳусн ва қубҳ масаласи.....	33
Ферангиз КАЛАНДАРОВА.	“Тарихи салотини Манғития”да амирликнинг давлат бошқаруви масалаларининг ёритилиши.....	35
Ильгам САБАНЧИН.	Причина написания книги «Аль-Барк аль-Вамид аля аль-Байд аль-Мусамма би-н-Накыд» Ш.Марджани.....	38

## ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Жамшид ШОНАЗАРОВ.	Икки буюк саркарда: Амир Темур ва Йилдирим Боязид.....	39
Фарруҳ АҚЧАЕВ.	Жиззах воҳаси аҳолисининг мотам ва хотира маросимлари хусусида.....	40
Нодира СУЛТОНОВА.	Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларни амалга оширишда миллий қадриятларнинг ўрни.....	42
Дилноза ЖАМОЛОВА.	Бухоро жадидларининг “Тарбият атфол” жамияти ва унинг Истанбулдаги шахобчаси..	43
Алишер САНДИБОЕВ.	Шовдор рустоқи ва унинг локализациясига доир янги маълумотлар.....	46
Янгибай ТУРДИМУРАТОВ.	XX аср бошларида Сурхон-Шеробод воҳасининг этноиқтисодий тизимида чорвачилик.....	47
Иҳтиёр КУШШАКОВ.	“Чорчинор” эпиграфик ёдгорликлари.....	49
Kurshid JUMANAZAROV.	O'zbek xalqining tabobat tarixiga nazar.....	51
Юлдаш ЮЛДАШЕВ.	Хива хонлари архиви ва унинг ўрганилиши.....	53
Ахрор ЭШМУҲАМАТОВ.	Жиззах воҳаси аҳолисининг “чорва ҳисоби” билан боғлиқ тақвимлари.....	54
Феруз НАРМАНОВ.	XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг таснифи ва ўзига хос хусусиятлари.....	56

<b>Одилжон ИНОМОВ.</b> Қовунчи маданияти аҳолисининг тили масаласи.....	58
<b>Ахмаджон ХУДАЁРОВ.</b> Ўзбекистонда солик тизимини тубдан янгилаш борасидаги давлат сиёсати, унинг хуқуқий-меърий асослари ва институционал тизимининг вужудга келиши.....	61
<b>Файрат ҲАМРАЕВ.</b> Қушбеги лавозимининг Бухоро амирлиги бошқарув тизимида тутган ўрни хусусида.....	63
<b>Бахтиёр РИЗАЕВ.</b> Миграция населения в ближнем и среднем востоке VII-XVI века.....	64
<b>Фирзуа ШИРИНОВА, Саодат ҲАМРОЕВА.</b> Тарихий Манғит амирлари давлатчилиги: ворисийлик ва замонавийлик.....	65
<b>Нафиса ВАЛИЕВА.</b> Ислом мактаблари. Совет ҳукуматининг ислом маданияти ва эътиқоди борасидаги сиёсати.....	68

## ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Адҳам АШИРОВ.</b> Ислом динида сувга муносабат.....	69
71.....	ادأدهم تمام فراج . علوم الوحى والعلوم الإنسانية .....
<b>Мухтор НАЗИРОВ, Мейербек ЕРГАШБАЕВ.</b> Замонавий ҳалқаро муносабатларда мусулмон дунёсининг ўрни.....	73
75.....	سالم عنوللين . شبهة عدم التخرج للإمام أبي حنيفة في الكتب الستة والرد عليها .....
<b>Иргаш ДАМИНОВ.</b> Мўътазилийлик ақидаси: шаклланиши, ёндашувлар.....	78
<b>Ro'zimuhammad TO'XTASINOV, Dilovar SULTONOVA.</b> Movarounnahr fiqh manbalarida ayollarning ziynatlanish me'yorlari.....	80
<b>Sa'dulla BOBOXODJAYEV.</b> Sharqda hadisshunoslik ilmining yuzaga kelishi.....	81
<b>Гулноза АЛИЖНОВА.</b> Ризоуддин ибн Фахриддиннинг “Кутуби ситта ва муаллифлар” асарида ҳадис тушунчаси ва илмининг ёритилиши.....	83
<b>Алоуддин НЕМАТОВ.</b> Мотуридийлик таълимоти ривожига ҳисса қўшган хитойлик тўрт шайхулислом.....	85
<b>Шукрулло ЖЎРАЕВ.</b> Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асарларида диний бағрикенглик масаласи.....	87
<b>Малика ТЎХТАЕВА.</b> Ўрта Осиёда Биринчи Ренессанс даври амалий санъатини XX аср санъатшунослари томонидан ўрганилишининг баъзи жиҳатлари.....	89
<b>Жонибек ЖУМАЕВ.</b> Мустақиллик арафасида диний-маърифий соҳа трансформацияси.....	92

## ИЖТИМОЙИ ИНСТИТУТ

<b>Рустам ШОДИЕВ, Дилрабо АМРИДИНОВА.</b> Жадидлик таълимотининг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти.....	94
<b>Машҳура РАШИДОВА.</b> Миллий маънавиятимиз тараққиётида қадрияtlар ўрни.....	95
<b>Элёр АЛИМКУЛОВ, Раъно УРАЗОВА.</b> Жаҳон динлари миқёсида ой рамзи.....	97
<b>Jaxongir PULATOV.</b> Barqaror taraqqiyot konteksiда inson taraqqiyoti konsepsiysi.....	99
<b>Mohira ABDULLAYEVA.</b> O'zbekiston hududida bag'rikenglik va vijdon erkinligining ta'minlanishing tarixiy ildizlari.....	100
<b>Xabibullo SADIBAKOSEV, Sirojiddin ABDUVITOEV.</b> Yangi O'zbekiston tashqi siyosatining xalqaro muносабатлар tizimidagi ro'li va istiqbollari.....	104
<b>Хонзода МАДАЛИЕВА.</b> Христианликда муқаддаслик феноменига муносабат-троица.....	106
<b>Жаҳонгир АЛЛАБОЕВ.</b> Мехнатдан бегоналашувнинг жамият тараққиётига таъсири.....	107
<b>Лола КАРИМОВА.</b> Абдураҳмон Жомийнинг рашҳаларида инсон масаласи.....	109
<b>Махмуд ДЕҲҚОНОВ.</b> Махалла ва оиласи ижтимоий ҳимоялашда фуқаролик жамиятининг ўрни.....	110
<b>Natalya RADJAPOVA.</b> Gender tengligi insonning rivojlanish barqarorligining omili sifatida.....	111
<b>Илҳом РИЗАЕВ.</b> Ижтимоий тизимни эркинлаштириш ва жамият тараққиёти.....	113
<b>Алишер ТОЖИЕВ.</b> Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари.....	116

<b>Лазизахон АЛИДЖАНОВА.</b> Ўрта асрларда христианлик таълимотининг тиббиёт ва вабо касаллигига муносабати.....	117
<b>Хосият МУЛЛАЖАНОВА.</b> Тарихий онг ва хотира миллий ўзликни англашнинг омили.....	119
<b>Мирзо ИХТИЁРОВ.</b> Давлат бошқаруви жараёнида телеканалларда ёритиладиган муаммоларнинг фалсафий таҳлили.....	121
<b>Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ.</b> Зиёрат туризми – туризмнинг энг истиқболли ва манбаатли йўналиши.....	123

### ФАЛСАФИЙ МУШОҲДАЛАР

<b>Соҳибназар КАРИМОВ.</b> Тасаввуф фалсафасида комил инсон масаласи.....	126
<b>Шуҳрат БОЗОРОВ.</b> Аҳмад Доңиш илмий меросининг фалсафий аҳамияти («Наводирул вақое» асари мисолида).....	128
<b>Санжар МУРАДОВ.</b> Фариуддин Аттор асарларида илм ва маърифат тушунчаларининг фалсафий таҳлили.....	130
<b>Мирзоулуғ МАМАСАЛИЕВ.</b> Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги фалсафий-аҳлоқий масалалар.....	131
<b>Мансур ВАХАБОВ.</b> Тарғибот ва ташвиқотнинг генезиси ва эволюцияси.....	133

### ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ


<b>Улуғбек ЯЗДОНОВ, Соҳиба ЯЗДОНОВА.</b> Ўзбекистонда таълим тараққиёти: режалар, марралар, муаммолар.....	135
<b>Saida YULDASHEVA.</b> Innovatsion fikrlash va tanqidiy fikrlashning ta’limdagi o’rni.....	136
<b>Lola XASANOVA, Marg’uba MURATOVA.</b> Yoshlarda vatanparvarlik tuyg’usini kuchaytirish imkoniyatlariga doir fikr-mulohazalar.....	137

### МАҲНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

<b>Батырбек ХАШИМОВ.</b> Интернетнинг илмий соҳадаги ўрни.....	139
--	-----

### БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Расулуллоҳ қайтарган уч амал.....	140
-----------------------------------	-----



2. Унда маълум бир баъзи жамиятларга хос бўлган жиҳатлар ўз аксини топиши мумкин. Масалан, "Европа жамияти", "Антик жамияти" ва ҳоказолар.[7]

3. Бу тушунчада гарни бир-бiri билан боғланмаган бўлса-да, жамиятларнинг макон ҳамда замон билан алоқадор жиҳатлари эътиборга олинади. Буларга мисол тариқасида қадимги саклар, Ўрта Осиё жамиятлари, Яқин Шарқдаги араб жамиятлари ёки ғарбий Европадаги жамиятлар ва бошқаларни олиш мумкин.

Ижтимоий сиёсат тамойилларининг миллий ва умуминсоний қадриятлар билан алоқадорлиги деганда, қадриятлар, қадриятили ёндашув тизимининг ижтимоий сиёсат билан диалектик муносабати ва мутаносиблиги шунингдек, умуминсоний қадриятлар, улардаги хусусиятларнинг қадриятлар бошқа шаклида намоён бўлиши тўғрисида сўз юритилиб, қадрият объектининг қадр-қўймати, аҳамиятини ифодалайдиган тушунчадир. Турлилик ўртасидаги диалектик муносабатлар таъсирида жамият узлуксиз ривожланиб, унга диалектик ва динамик уйғунликда инсониятнинг қадриятили ёндашуви ҳам такомиллашиб боради. Ижтимоий сиёсатда қадриятили ёндашув умумий боғланган диалектик тизимни ташкил этиб, турлиликдаги умумийлик қадриятили ёндашув тизимида бирликни, умумийликдаги турли хусусиятлар тизим такомиллашувини таъминлайди.

Глобаллашув жараёнида ижтимоий сиёсат ва миллий

қадриятларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш имкониятлари" деганда, ушбу глобаллашув даврида миллий қадриятларнинг ўрни, цивилизация натижасида миллий қадриятларнинг "ейлиб борилиш" ҳавфи, бунинг салбий оқибатлари ҳамда бунинг олдини олиш имкониятлари ёритиб берилган ва хуласаларнинг бирида, глобаллашув шароитида миллий қадриятларни такомиллашириш зарурати: айрим қадриятларда стереотипларнинг сақланиб қолганлиги ва умуминсоний тамойиллар қарор топишига халақит қилиши; "оммавий маданият" никоби остида шарқона ахлоқ нормаларига зид унсурларнинг кириб келаётганилиги; глобал муаммоларнинг майнавий-миллий негизларга таъсирида кўринади. Уларни такомиллашириш миллатнинг вазифаси бўлиб, унга таъсири кўрсатишда ижтимоий сиёсат қўйидагиларни эътиборда тутиш лозим: миллий қадриятлар иштирокисиз умуминсоний қадриятларни халк онгу-тафаккурига сингдириб бўлмайди; миллий қадриятлар тизимини такомиллашириш жараёнида ижтимоий сиёсатнинг ўзи ҳам такомиллашиб боради; глобал жараёнлар маълум билан маконда ва муайян миллат ҳаётида содир бўлиши хусусийлик касб этиб, миллатда хос хусусий сифатларсиз намоён бўлиши унинг амал қилиш худудида "бегоналашув"ига олиб келади; миллий қадриятлар такомиллашиб бормаса, яшовчанлиги йўқолади, бу эса глобал дунёда миллатни таназзулга олиб боради, деган фикрга келинган.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. IV-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2020.
2. Мирзиёев Ш.М. Ният улуғ ҳалқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. III-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
3. Аристотель. Сочинения. В4-х т. Т.4. – М.: Мыслъ, 1983.

4. Кушнер П.И. Национальное самосознание как этнический определитель. – Вып.8. – М.: 1999.

5. Назаров К.Н. Аксиология, қадриятлар фалсафаси. – Т.: Академия, 2011.

6. Одилқориев Ҳ.Т., Фойиназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2004.-44 б.

7. <http://www.sociosinfo.ru/socios-219-1.html>

## БУХОРО ЖАДИДЛАРИНИНГ “ТАРБИЯИ АТФОЛ” ЖАМИЯТИ ВА УНИНГ ИСТАНБУЛДАГИ ШАХОБЧАСИ

ДИЛНОЗА ЖАМОЛОВА

Бухору ўқитувчиси,  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори

**Б**ухоро, Туркистон ва Хоразмда XX аср бошларида жадидчилик ҳаракати вужудга келиб, унинг асосий мақсади мактабдан кейин уларни моддий таъминотида муаммолар юзага кела бошлайди. Ушбу масалани ҳал этиш мақсадида маҳсус ширкатлар, хайрия жамиятлари, матбаа-нашриёт уйлари ташкил қилинади. Хайрия жамиятлари Ватан ва миллат эҳтиёжлари учун қилинадиган эҳсонлар эвазига ташкил қилинган бўлиб, муаллимлар ёки таълим-тарбия жамияти, тижорат жамияти, деҳқончилик ишлари жамияти ва бошқалардан иборат бўлган. Бундай жамиятлар нафақат хайр-эҳсонга муҳтож мамлакатларда, балки тараққий этган давлатларда ҳам ҳалқ, Ватан, илм-фан манбаатлари йўлида улуғ ишларни амалга оширади. Жадидчилик ҳаракати раҳбарлари ҳам бундай жамиятлар, ширкатлар очиши, жамғармалар ташкил қилиш, улар фаолиятини ватан равнақига, миллат истиқболига йўналтириш масаласига катта аҳамият бердилар.

Мунавварқори Абдурашидхонов "Жамият қандай очилур?" мақоласида хайрия жамиятларини ташкил этиш қонун-қоидалари ва мақсад-вазифалари ҳақида маълумот бериб: "Мактабни очуб қўя қолғон ила иш битмаслиги, балки анинг фарқи ва давоми учун моддий ва майнавий ёрдам ва майвонатлар, файрат ва ҳимматлар лозим эканлиги англашилмishдур. Бунинг учун энг яхши чора жамиятни тузмишлар. Яъни расмий бир қонун доирасинда ҳалқдан иона йиғиб очилмиш ва очиладурғон мактаб ва дорулуумларнинг нуқсон ва эҳтиёжларин енгиллик ила ислоҳ қилмоқ ва адо қилмоқ усулини ижод этмишлар. Бора-бора бу жамият шу қадар тараққий қилмиш ва раҳмат касб қилмишкни, маданий миллатнинг бутун тараққиёти диния ва эҳтиёжиёти миллатлар учун энг ишончли суняниқ ва муттакои эттиҳоз ўлинмиш ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экан"[1], - деб ёзади.

Жамиятларни ташкил қилиш, улар фаолиятини замон таълабларига мослаштириш ишларига Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдула Авлоний, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби жадидчилик ҳаракати на-мояндлари муносиб хисса қўшганлар. Уларнинг ташаббус ва

ҳаракатлари билан Тошкентда "Турон", Бухорода "Тарбияи атфол", Кўқонда "Ғайрат" каби хайрия жамиятлари, 10 тага яқин ширкат, нашриёт ва кутубхоналар ташкил этилган. Буларнинг асосий вазифаси янги усул мактаблари фаолиятини мунтазамлаштирган ҳолда матбуот ва нашриёт ишларини янада жонлантиришдан иборат бўлган.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм шароитида жамиятлар очиши ниҳоятда оғир кечди. Чунки бундай жамият ва ширкатлар очиши учун ҳукumat томонидан рухсат олиниши керак эди. Маймурлар бундай ишларга қарши турли-туман сунъий тўсиқлар вужудга келтиради. Усали жадид мактабдорлари бундай тўсиқлар, таъқиб ва тазииклардан чўчимадилар, улар ўз фаолиятлари доирасини кенгайтириб бордилар: Тошкент, Самарқанд Фарғона водийси шаҳарларида фаолият кўрсатётган мутафаккирлар билан алоқа боғладилар, Туркия, Кримга талабалар юбориш, ўз сафларини ўсиб келаётган билимли ёшлар хисобига мустаҳкамлашга киришдилар.

1909 йилда Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Мехрий, Ҳожи Рофев, Мукаммал Бурҳоновлар Бухорода "Тарбияи атфол" ("Болалар тарбияси") номли яширин жамиятини тузганлар [2: 271]. Жамият

аъзолари тамомила яширинча иш олиб бориб, Термиз, Карки, Янги Бухоро ва Фиждуонда жамиятнинг 28 та шахобасини очадилар [3: 84]. Бу жамиятнинг саъй-ҳаракати билан усули жадид мактаблари яна бирин-кетин очила бошлади. Жамият низомида сиёсий масалалар ўз ифодасини топмаган бўлса-да, унда Бухоро амирлиги сиёсий тузумини ислоҳ қилиш, давлат маъмуритига илғор ёшлардан киритиш ва шу йўл билан давлат сиёсий тузумида илғор ўзгаришлар ясаш кўзда тутилган эди. Жамиятнинг бирламчи масаласи Бухоро ўкув муассасаларини тубдан ислоҳ қилиш эди. Бухоро эски мактабларини ислоҳ қилиш иши амалда бошланган бўлсада, олий ўкув юрти ҳисобланган мадрасалар ислоҳи бошланмаган, улар илми, малакали мутахассислар тайёрлашдан йироқ эди. Шунинг учун 'Тарбия атфол' жамияти иқтидорли ёшларни Истанбул, Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой каби шаҳарларга ўқишига юборишини биринчи вазифа сифатида белгилади. Бунинг учун маблағ керак эди. Халқ истиқболи, маърифати учун жон кўйдирувчи мулқорлар ҳам, иқтисодий ёрдам берувчи зиёлилар, давлат арబоблари ҳам топилди.

"Тарбия атфол" жамияти ўз фаолияти даврида қўйидаги ишларни амалга оширган:

Биринчидан, илмга чанқоқ ёшларга ҳар жиҳатдан: ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиб, Туркия ҳамда Россиянинг Қозон, Уфа, Боғчасарой шаҳарларига ўкувчилик юбориши масаласига алоҳида эътибор берди. Истанбул шаҳрида таълим олаётган бухоролик талабалар сони 1911 йилда 15 та, 1912 йилда эса 30 дан ошади [4: 29].

Иккинчидан, жамият Бухоро амирлигига Туркия ва Эронда ҳамда Россия мусулмон шаҳарларида нашр қилинадиган матбуот намуналари билан бухороликларни танишириб боришига катта эътибор берди. Бухородаги Россия сиёсий агентлигининг ҳар қандай таъқиб ва тўсикларига қарамай, жамиятнинг саъй-ҳаракати билан бундай нашрлар амирликда ҳам кенг тарқала бошлади.

Учинчидан, ҳамма жадид мутафаккирлари каби "Тарбия атфол" жамияти аъзолари ўринсиз сарф-ҳаражатларга, тўй ва маъракаларга сарф қилинадиган катта-катта ҳаражатларга, исрофгарчиликларга қарши чиқдилар. Бундай маблағларни фарзандлар тарбиясига, уларни чет элларда ўқитиш учун сарф қилишига даъват этдилар. Ушбу жамият 1914 йил марта "Маърифат" ширкати тузадилар ва 1915 йил 22 декабрда амир Олимхон бу жамиятнинг уставини тасдиқлаб беради [5: 12]. Бу ширкат китоб савдоси билан шуғулланар, усули жадид мактабларини дарслек ва ўкув кўлланмалари билан таъминлаша жамиятнинг бирламчи вазифаси сифатида қарап эди.

"Тарбия атфол" жамиятни ўз фаолиятининг дастлабки йилидаёт ёрдам берувчи талабаларни юборди. Туркияда таълим олишдан мақсад ўлгадаги "усули жадид" мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, "усули тадрис"нинг ҳам амалий, ҳам назарий асосларини ишлаб чиқиши, дарслеклар, ўқитувчилар учун услубий кўлланмалар яратиш эди. Туркларнинг "усули савтия" методида илк бор яратилган Аҳмад Мидҳатнинг "Хожаи аввал" (1868 йил) алифбоси ҳамда Исмоилбек Гаспиринскийнинг "Хўжай сибён" дарслек-алифбосидан Бухоро жадид мактабларида дастлаб дарслек сифатида фойдаланилган бўлса, кейинчалик шулар асосида маҳаллий муаллимлар ўзлари дарслек яратганлар [6: 68-69].

Бухоро амирлигидаги жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок этган Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва Ҳамидхўжа Мехрийлар 1908 йилда ўқиш учун Эрон ҳудуди орқали Туркия пойтахти Истанбулга боргандilar. Бу ерда уларни Бухородан келган бир расмий хайъат каби эъзоз билан кутиб оладилар. Ўша пайтда Туркияда Ҳарбий ишлар Нозири бўлган Анвар пошо уларни олий даражада қабул қиласди. Бу ҳодиса Россиянинг Туркиядаги элчисини хавотирга солиб, бу ҳақда рус императори Николай II га хабар берган. У Бухоро амири Абдулаҳадхондан Усмонхўжа ва Ҳамидхўжа ҳақида маълумот сўрайди. Абдулаҳадхон рус хукмдорига: "Улар ёш болалардир, Туркияга таҳсил олиш учун боргандilar" [7: 10-11], - деб жавоб қайтарган.

Усмонхўжа ва Ҳамидхўжа Истанбулдаги мактаб ва маориф, миллий маданият соҳасидаги шахсиятлар билан тани-

шадилар, сұхбатлар қурадилар; хусусий дарс оладилар, дунёвий фанлар бўйича билимларини ортирадилар.

Истанбул дорулғунида таҳсил олаётган Абдурауф Фитрат Туркияда ўқиётган ватандош ўқувчи-талабаларга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш, Бухоро ва Туркистондан талабалар келишини кўпайтириш ва мунтазамлаштириш мақсадида жамият тузади ва унинг мукаммал Низомномасини ишлаб чиқади. Бу хужжат 1909 йилда Истанбулнинг Вазирхон кўчасида жойлашган "Матин" типографиясида нашр қилинган бўлиб, 4 бобдан иборат. 1-боб "Бухоро таъмими маориф хайрия жамиятининг асосий қоидалари", 2-боб "Фавқулодда йиғинлар, умумий йиғинлар, мунтазам йиғинлар", 3-боб "Талабаларни жамиятга қабул қилиш" ва 4-боб "Бухоро таъмими маориф жамияти хайриясининг хатти-ҳаракатлари" деб номланади [8: 17-20].

"Бухоро таъмими маориф жамияти"нинг таркиби доимий ва муҳбир аъзолардан иборат бўлган. Жамиятнинг бош органи Кенгаш бўлиб, унинг 14 кишидан иборат таркиби доимий аъзолардан сайланган. 14 киши орасидан эса жамият раиси тайинланган. Жамиятга аъзо бўлувчилар ҳар ой 10 пиастр миқдорида бадал тўлаши шарт бўлган [9: 17]. Туркияда таҳсил олишина ҳоҳловчи Бухоро ва Туркистондаги камбағал оиласарнинг фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида очилган бу жамият - 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган соғлом болаларни қабул қилишни шарт қилиб кўйган [10: 19]. Жамият фаол аъзоларидан Ҳамидхўжа Мехрий нафқат Бухоро ва Туркистонда, балки 1910 йилда Хива хонлигига ҳам бориб, у ергаги ёшларни Туркияга бориб таҳсил олишига даъват этган [11: 11].

"Низомнома"нинг "Бухоро таъмими маориф жамияти хайрияси" хатти-ҳаракатлари боби жамиятнинг мақсадларини ифодаловчи 14 моддадан ташкил топган:

1-модда. "Бухоро таъмими маориф жамияти" Туркистонда, ва билхосса, Бухорода нашри улум (илм ёйиш) ва таъсиси макотиб (мактаблар очиши) мақсадида қурилган бир хайрия жамият бўлиб, ҳеч қандай сиёсий мақсад кўзламагани каби мавжуд жамият сиёсатга ҳам ҳеч бир муносабати йўқдир.

2-модда. Жамиятнинг кўзлаган ягона мақсади моддий имкониятлари доирасида Бухоро ва Туркистондан ҳар йили лозим кўрилгани қадар талаба келтириб, уларни Истанбул мактабларида ўқитмоқдир.

3-модда. Талабалар жамиятнинг ҳимояси остида бўлиб, ахлоқи ва бошқа турли жиҳатлари назорат қилинади.

4-модда. Ўқишини тутгатган талабанинг истиқболи ва маслаки отийсини (келажакдаги иш ўрни) жамият ҳал этади ва бу хусусий аксарият чиқариладиган қарорга ҳеч бир талаба хилоф иш тутмайди. Акс ҳолда, у таҳсил учун сарфланган ҳаражатларни қайташибга мажбурдир.

5-модда. Бухорода очиладиган мактабларнинг қурилишига ва олиб келинадиган талабаларнинг йиллик таҳсил ҳаражатларига кўмак бериш мақсадида Бухоронинг фидойи бойларига мурожаат сўнггида берилажак ионалар қабул қилинади.

6-модда. Таъсис этиладиган мактабларнинг идора хайъати ва таълимида фақат жамият томонидан тайинланадиган шахслар жамият кўядиган талабаларни қабул қилиш шарти билан фаолият юргизадилар.

7-модда. Таҳсил ҳаражатларини бошқа жамиятга йиллик эллик рубл беришни бўйнига олган ағниёнинг муходими жамиятнинг назорати ва ҳимоясида таҳсил ола биладилар.

8-модда. Муҳбир аъзога ҳар уч ойда бир марта жамиятнинг чиқарилган қарорларини ўз ичига олган ҳужжатлар тўплами юборилади.

9-модда. Юборилган ҳужжатнинг баъзи жиҳатига муҳбир аъзолар томонидан билдирилган фикр мулоҳазалар музокара сўнггида эътиборга олинади.

10-модда. Ҳозирча жамиятнинг шўбалари йўқ. Бироқ бир неча ишончли вакиллари мавжуддир.

11-модда. Вакилларнинг жамият доктринасига хилоф ҳаракат қилгандарни маълум бўлиб қолган тақдирда аъзойи мушовари қарори билан бир умумий баённома чиқарилиб, мазкур кишига берилган ишончнома ҳукми бекор қилинади.

12-модда. Жамиятнинг бир кутубхонаси бўлади ва арбоби жамият томонидан совға этилган китоб ва рисолалар би-

лан тўлдирилади.

13-модда. Жамиятнинг хужжати расмий муҳр билан тасдиқланади.

14-модда. Жамият мақсад-фояларини амалга ошириш учун лозим бўлса, нашр ишларига ҳам мурожаат қиласди [12: 19-20].

“Бухоро таъмими маорифи жамияти” ҳеч қандай сиёсий мақсадни кўзламаган, унинг асосий вазифаси Бухорода илм тарқатиш ва мактаблар очиш, моддий имконият доирасида ҳар йили Бухоро ва Туркистондан Истанбулга таҳсил олиш учун талабалар юборишдан иборат бўлган. Истанбулга таҳсил олиш учун кетган талабалар олдига бир қатор талабалар қўйилиб, улар қонуний жиҳатдан асосланган. Жумладан, талабалар жамият ҳимоясида бўлган ва уларнинг ахлоқи ва бошқа жиҳатлари назорат қилинган. Европа маданиятини кўр-кўрона қабул қиласлик, келгусида ўз юртларига яхши мутахассис бўлиб қайтишлари ва унинг истиқболи учун фидойи ватанпарвар сифатида хизмат қилишлари, ўқиши тутгатган талабаларнинг келажақдаги иш ўрни жамият томонидан ҳал этилиши, талаба жамият томонидан чиқарилган қарорга хилоф иш тутмаслиги, акс ҳолда унга сарфланган сарф-харажатларнинг ундириб олиниши уқтирилган.

Ушбу жамият ҳақида Заки Валидий Тўғон қўйидагиларни ёзади: “Бу жамият (Тарбияи атфол) Истанбулда бир шўйба очароқ, унга 1911 йил 15, 1912 йилда 30 нафар талаба юборди. Бу шўйба “Бухоро таъмими маориф жамияти” (“Бухоро умумий маориф жамияти”) номи билан расмий бир жамият шаклини олди. 1909 йилда Эрон йўли билан Истанбулга келган Фитрат ила Муқимиддин ва Русия йўли билан келган Усмонхўжа, ғулжалик Абдулазиз, Содик Ашур ўғли бу жамиятнинг қурувчилари эди” [13: 354].

Бухородан Истанбулга таълим олиш учун юборилган ёшлар Туркиядаги Россия элчихонаси ходимлари томонидан доимий кузатиб борилиб, улар тўғрисида Петербургга ҳабар бериб турилган. Жумладан, элчихонанинг Петербургга йўллаган 1911 йилдаги маҳфий маълумотида: “Муқаммалидин Махсум Бурхонов ва Музҳор Бурхоновлар ҳомийлигига Бухоро амирлигидан бўлган жами 30 та ўқувчи Истанбулда ўқитилмоқда” [14: 199], - деб ҳабар берилади.

1913 йилнинг баҳорида Истанбулда ўқиётган бир гурӯҳ ёшлар – Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Атохўжа, Фитрат, Ҳомидхўжа ватанларига қайтиб келдилар ва Бухорода “усули жадид” мактаби очишига киришдилар. Бу мактабларни китоблар, дарслклар билан таъминлаш мақсадида “Маърифат кутубхонаси” ва “Баракат ширкати”ни очадилар. Туркия, Татаристон, Крим, Озарбайжонда чиқадиган ҳар бир янги

чиқкан китоблар, дарслклар ва нашрлар кутубхонага келиб туради. Россия империясининг Янги Бухоро (Коғон)даги хуфияси Бельман томонидан йўлланган маҳфий мактуб (1912 йил 24 февралда ёзилган)да кўрсатилишича, “Усмон Хўжа Истанбулдан кўплаб сиёсий рисолалар олиб келган. Утуркчилик ва исломчилик фояларини тарғиб қилиш билан шуғулланган, яширин сиёсий ташкилот ҳаётидага фаол қатнашган” [15: 42].

Истанбулда таҳсил олиш жарёнида Бухоро ва Туркистон талабалари икки мамлакатдаги илм-фан тараққиёти ва таълим тизимини таққослаб, “Туркистонлиларга хитоб” номли мурожаатномаларини “Ойина” журналига йўллайдилар. Бу мурожаатномада: “Эй, мусулмонлар, биродарлар! Бизларга чалишмоқ вақти етмадими? Бу қадар жаҳолатга ботдикмизда етмасми?.. Эмди мозийимиз или истиқболимизи ўйламоқ керак. Биз, туркистонликлар қадар орқада қолган ҳеч бир миллат қолмади. Африқо ваҳшийларида биздан илгаридурлар. Биз бошқа миллатлардан ибрат олайлуқда, ўзимизни эркимизни билмоқчи ижтиход этайлик. Миллатимиз эҳтиёжини ва миллат ишларини тўғри йўлга солмакфа ҳаракат эдалик. Ватан ишларимиза ҳар турли ёрдамда бўлиналик. Жаҳолат ва сафолатдин миллатимизни кутқармокфа чолишиалик. Мактаб-мадраса очмакфа, жамият ва ширкатлик тижоратхоналари таъсис этмоқфа ҳаракат эталик. Русия, Оврупа, Миср ва Истанбулга талаба юбормоқ керакдур. Эй, туркистонли мусулмонлар, биродарлар! Кўзингизни очинг, мажалла ва жаридаларга бокуб, дунёни билинг, жаҳолат ичинда ғарқ ўлмиш ўлан ватандош ва миллатдошларимизни кутқармок керакдур” [16: 70-71], - деб ёзилган эди.

Истанбулда ўқиётган талабалар таҳсил олиш билан бирга Туркиядаги чиқадиган “Хикмат”, “Таърифи муслимин”, машхур турк шоири Мехмет Акиф мухарриргидаги “Сирот ул-мустаким” (“Тўғри йўл”) каби газета ва журнallарини Бухорага жўнатиб турадилар ва бу нашрлар тез орада ўз муҳлислирига эга бўлади [17: 43].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро жадидлари истеъододли ёшларни моддий ва маънавий кўллаб-куватлаш мақсадида “Тарбияи атфол” жамияти ҳамда унинг Истанбулдаги шаҳобчасига асос солдилар. Бу жамият қисқа вақт фаолият юритган бўлса-да, саҳоватли бойлар, савдогарлар ва зиёли қатлам кўмагида 50 яқин ёшларнинг дунёвий билимларни пухта эталлаб, жамият учун нағи тегадиган кадрлар бўлиб етишишларига кўмаклашди. Ўз юртига қайтган ёшлар жадид мактабларига асос солдилар ҳамда дунёвий билимларни ўқитишни йўлга қўйдилар. Бухоро амирлиги тутгатилгач, Бухоро Республикаси даврида турли юқори лавозимларда фаолият кўрсатдилар.

9. Ўзбекистон МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-ийғожилд.

10. Ўзбекистон МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-ийғожилд.

11. Ўзбекистон МА, И-2 фонд, 1-рўйхат, 285-ийғожилд.

12. Ўзбекистон МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-ийғожилд.

13. Заки Валидий Тўғон. Бугунги турк эли. Туркистон ва унинг янги тарихи. 2-боси. Истанбул, 1981.

14. Ўзбекистон МА, И-3 фонд, 1-рўйхат, 1166-ийғожилд.

15. Бу ҳақда қаранг: Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари. Ҳукуқ ва бурҷ, № 1, 2008.

16. “Ойина” (1914-1915 й). (Нашрга тайёрловчилар: Наим Норкулов, Камолиддин Раббимов). Тошкент: Академия, 2001.

17. Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари. Ҳукуқ ва бурҷ, № 1, 2008.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. М.Қори. Жамият қандай очилур? “Садойи Туркистон”, (1914 йил 14 июнь).

2. Ражабов Қ. Тарбияи атфол. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2004.

3. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва: СССР ҳалқларининг марказий нашриёти, 1926.

4. Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. Тошкент: “Чўлпон”, 1994.

5. Ўзбекистон МА, И-461, 1-рўйхат, 1919-ийғожилд.

6. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. Тошкент: Университет, 2006.

7. Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. Тошкент: “Чўлпон”, 1994.

8. Ўзбекистон МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-ийғожилд.

◆ **Аннотация:** Мазкур маколада “Тарбияи атфол” жамияти ва унинг Истанбулдаги шаҳобчаси фаолияти билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинади. **Ключевые слова:** Ёш бухороликлар, “Тарбияи атфол” (“Бала тарбияси”) жамияти, Истанбул, “Бухоро умумий маориф жамияти”, “Низомнома”, матбуот, маориф.

◆ **Annotation:** The article analyzes the issues of history associated with the activities of the society “Tarbiyai Atfol” and its branch in Istanbul. **Key words:** young Bukharians, “Tarbiyai atfol” (“Raising children”) society, Istanbul, “Bukhara general education society” “Nizamnema”, press, education.

◆ **Аннотация:** В статье анализируются вопросы истории связанные с деятельностью общества «Тарбияи Атфол» и его отделение в Стамбуле. **Ключевые слова:** молодые Бухарцы, общество «Тарбияи атфол» («Воспитание детей»), Стамбул, «Бухарское общеобразовательное общество» «Низамнема», пресса, образование.